# ВАТАНГА КЎПРОҚ ПАХТА БЕРАМИЗ

## НАМАНГАН ОБЛАСТИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚМОҚДА, ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИНИ ҚИДИРМОҚДА

Колхоз ишлаб чиқаришининг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планининг асосий кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда. Биз хўжаликнинг ўтган йиллар давомида қўлга киритган иқтисодий кўрсаткичларини ҳар томонлама, пухта таҳлил қилдик.

Деҳқончилик соҳасида ҳам, чорвачиликда ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Ялпи маҳсулот етиштириш кўпайди ва давлатга ҳам кўпроқ маҳсулотлар етказиб берилди. Бу, хўжалигимизнинг даромадига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Агар 1961 йилда 2150 минг сўм даромад олган бўлсак, 1966 йилда 3.272 минг сўм даромад олдик. 1970 йилда 4 миллион сўмга яқин даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Колхоз даромадининг ўсиши хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қуришни кенгайтириб юборишга, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини оширишга имкон берди. Ўтган беш йиллик давомида колхоз ҳар йили қурилиш-монтаж ишларига ўртача бир миллион сўмгача маблағ сарфлаб келди. Юзлаб колхозчи оилалари янги, ҳамма қулайликларга эга бўлган уйларга кўчиб ўтдилар. Янги чорвачилик фермалари, ремонт-механика устахонаси, ўн йиллик мактаб биноси, болалар боғчаси ва яслиси, дала шийпонлари, стадион, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, магазинлар ва бошқа объектлар қурилиб, ишга туширилди.

Лекин ишимизга танқидий кўз билан қарасак, хўжалигимизнинг асосий соҳаси — пахтачилик бир жойда тўхтаб турганини кўрамиз. Бизнинг республикамизнинг кўпчилик хўжаликларида ва мамлакатнинг пахтачилик билан шуғулланадиган бошқа районларида ҳам шундай ҳол юз бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида пахтачиликни ривожлантириш суръатлари кейинги йилларда сусайтириб юборилганлиги қаттиқ танқид қилинди ва пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Хўш, бизнинг колхозимизда суғориладиган деҳқончиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланган ана шу соҳанинг аҳволи қалай? 1961 йилда колхоз 5.360 тонна, 1966 йилда 5.845 тонна, 1969 йилда эса 5.854 тонна пахта етиштириб, давлатга сотди. Кейинги уч йил давомида ўртача ҳосилдорлик 37 центнердан 35,5 центнерга камайди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида бу аҳволнинг сабаблари айтиб ўтилди. Бу гаплар бизнинг колхозимизга ҳам тўла тааллуқлидир. Энг аввало пахта-беда алмашлаб экишга эътибор берилмай қўйилганлиги, пахтазорларда экиннинг хавфли касаллиги — вилтнинг тарқалиб кетганлигини айтиб ўтиш керак. Колхоздаги ҳайдаладиган ерларнинг қарийб учдан икки қисми вилт билан зарарланган, айниқса у илгаридан экин экиб келинаётган ерларга жиддий зарар етказмоқда.

Далил учун биринчи участкадаги ерларни мисолга олиб кўрайлик. 1966 йилгача бу массивдаги 560 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳар йили ўртача 44-45 центнердан ҳосил олиб келинган эди. Вилт тарқала бошлаган кейинги тўрт йил давомида бу майдонларда ҳосилдорлик 10 центнергача камайиб кетди. Экинларга бериладиган минерал ўғитларнинг миқдорини кўпайтириш ҳам, яхши суғориш ҳам, ғўза қатор ораларини сифатли ишлаш ҳам ҳосилдорлик пасайиб кетишининг олдини ололмади. Вилт билан зарарланмаган майдонларда бу тадбирлар жуда катта фойда берди ва шу тўрт йил давомида бу майдонларда ҳосилдорлик 12-15 центнер ўсди.

Пахта-беда алмашлаб экиш усулини жорий этиш — вилтга қарши энг таъсирли омил бўлиб, у суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Мана бир мисол: биринчи бригадада ғўзалар вилт билан зарарланган 1965 йилда ҳосилдорлик 27 центнерга тушиб қолган эди. Бедазорларнинг ва маккажўхори майдонларининг кенгайтирилиши, алмашлаб экиш усулининг кенг жорий этилиши натижасида тупроқ тез соғломлашди, экинларнинг омилкорлик билан алмашлаб экилиши натижасида 1969 йилда бу бригаданинг ҳар гектар еридан 44,6 центнердан пахта териб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми янги беш йиллик давомида пахтакор колхоз ва совхозларнинг ҳаммасида алмашлаб экиш усулини тўла жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш ва пахтачиликни муттасил ривожлантириб бориш юзасидан қатъий кўрсатма берди.

Янги беш йиллик планда алмашлаб экиш усулини тўғри жорий этиш, суғориладиган ерларда деҳқончилик маданиятини оширишни асос қилиб олдик. Колхоз алмашлаб экиш юзасидан бошланган ишларни 1973 йилда ниҳоясига етказади. Пахта майдонлари ҳар уч йилда алмаштириб турилади.

Тупроқни соғломлаштириш, вилтни йўқотиш фақат экинларни алмашлаб экишга боғлиқ бўлмай, алмашлаб экилган экинларнинг ҳосилдорлигига ҳам боғлиқдир. Ўз-ўзидан маълумки, беда ёки маккажўхори юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилинган майдонларда экин яхши ўсади, мўл ҳосил беради. Бинобарин, бу майдонлардан вилт ҳам тез йўқотилади. Ҳозир бизда ҳар гектар бедазордан ўртача 81 центнер қуруқ пичан, ҳар гектар маккажўхоридан 345 центнердан силосбоп кўкпоя олинмоқда. Янги беш йилликда бедазорлардан 120 центнергача беда, маккажўхорининг ҳар гектаридан 650 центнергача кўкпоя олинади.

Булар амалда бажариладиган вазифалардир. Тўражон Жўраев бошлиқ ем-хашак тўплаш бригадаси ўтган йилиёқ 75 гектар бедазорнинг ҳар гектаридан 105 центнердан беда пичани, 80 гектар маккажўхоризорнинг ҳар гектаридан 560 центнердан силосбоп кўкпоя олди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва вилтга қарши кураш уруғчиликка ҳам боғлиқ. Кейинги ўн йиллар давомида колхоз пахтанинг 149-Ф навли серҳосил, узун толали уруғини экиб келди. Хўжалик бу сортдаги уруғни етиштиргани учун 10 процент қўшимча ҳақ олади. Лекин кейинги йилларда бу навдаги уруғ вилт билан қаттиқ зарарланиб, ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетди. Шу сабабли биз вилт билан зарарланган майдонларга икки йилдан буён Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экспериментал биология тажриба институти яратган «Тошкент-2» нав чигитни экяпмиз. Бу нав чигит анча қийин униб, пахтакорларнинг ишини кўпайтирса ҳам, кўсаклари майдароқ бўлса ҳам, колхозда бу нав уруққа катта майдонлар ажратиб берилди. Чунки у бизнинг шароитимизда вилтга чидамлидир.

Ўтган йили 38 гектар майдонга тажриба учун «Тошкент-2» чигитини экдик. Ғўза яхши парвариш қилиниши натижасида ҳар гектар майдондан 40,4 центнердан ҳосил олинди. Бу майдонларда икки процентга етар-етмас ғўза вилт билан зарарланди. 149-Ф чигит экилган майдонларда эса 50—70 процент ғўза вилт билан касалланди. Бу йил колхоз ўзимизда етиштирилган «Тошкент-2» чигитини 800 гектардан ортиқ майдонга экди. Экин яхши ривожланмоқда. Июлнинг ўрталарида бу майдонлардаги ҳар туп ғўзада 5—6 тадан кўсак санадик.

Кенг қаторларда ғўза ўстириш пахтачиликни янада ривожлантиришга катта имкониятлар очиб беради. Ўтган йили ва ундан олдинги йили биз янги усул бўйича ғўза ўстириб, яхши ҳосил олдик.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми суғориладиган майдонларнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш, бу майдонларнинг унумдорлигини муттасил ошириб бориш ва қадрлашни алоҳида уқтириб ўтди. Ҳар бир гектар ерни ўзлаштириш ва суғоришга қанчадан-қанча куч, маблағ сарфланади. Бизнинг ерларимиз тоғ бағриларида жойлашганлиги сабабли қўшимча меҳнат ҳам қилинади. Чунки биз янги ўзлаштираётган ерлар шағал босган майдонлардир. Техника ёрдамида ва қўл кучи билан катта тошларни пайкалдан четга чиқариб тўкамиз. Майда шағалларнинг устига тупроқ тўкамиз. Шундай қилиб ҳар қарич ерни меҳнат билан «барпо этамиз» десак бўлади. Ҳар гектар ерга бир неча минг куб метр тупроқ келтириб тўкамиз. Шу сабабли ҳам суғориладиган ерлар биз учун жуда қадрлидир. Колхоз бу майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш, сув ва шамол эрозиясига қарши кураш учун кўп ишлар қилмоқда.

Селлар ҳам бизнинг далаларимизга ва ҳосилимизга катта зарар етказиб туради. Сойлардан пишқириб келадиган сел экинларимизни пайхон қилади, сув иншоотларини бузади, айрим пайтларда эса қишлоқларимизга ҳам зарар етказади. Кейинги йилларда селга қарши тўсиқлар қурилди. Сарвоқсой, Пуниксой, Чадаксойларда катта дамбалар барпо этилди. Сойларнинг қирғоқлари кўтарилиб, сел ўтказгичлар қазилди. Сув тез оқадиган ариқларнинг 14 километри бетонлаштирилди. Бу, селнинг олдини олишдан ташқари, сувнинг буғланиб кетишига, ерга шимилиб кетишига йўл қўймайди.

Колхозимиз далаларидан Сирдарё оқиб ўтади. Баҳор тошқинларида дарёнинг суви қирғоқдан ошиб, атрофдаги экинзорларга ёйилади. Сув тошқинлари ҳар йили хўжалигимизга катта зарар етказади. Ҳозир Сирдарё қирғоқлари мустаҳкамланди. Сепоялар қўйдик. Қирғоққа 40 минг куб метр тош ва шағаллар тўкилди. Ер ости сувлари юқори бўлган Гунгон ва Задарё массивларида янги зовурлар қазилди. Колхоз кейинги икки йилнинг ўзидаёқ бу ишларга 125 минг сўм маблағ сарфлади.

Янги беш йилликда ҳам суғориладиган майдонларни кенгайтириш ва унумдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилинади. Чадаксой, Сарвоқсой, Пуниксой ва янги Анҳор ариғини бетонлаштириш мўлжалланмоқда. Пунгон массивида бир нечта қудуқ қазилиб, вертикал дренажлар қурилади. Янги ерларга сув олиш учун Шимолий Фарғона каналида насос станцияси қурилади. Катта қувурлардан сув 40 метр баландликка кўтарилади.

Об-ҳаво ноқулай келган кейинги икки йилда ҳам биз ҳосилдорликни 35 центнердан туширмаган эканмиз, бунда звено ва звеночиликнинг хизмати каттадир.

Янги беш йилликда биз бригада-звено системасини янада такомиллаштирамиз. Звенолар пахта етиштириш техникасининг бир комплектига мослаштириб тузилади. Шунда колхознинг техника билан қуролланишдан манфаатдорлиги ошади, механизатор кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилади.

Ҳозир колхозда 176 трактор, 44 пахта териш машинаси, ғалла ва маккажўхори ўрадиган комбайнлар, 55 автомашина, техника сақланадиган катта парк бор. Хўжаликда 214 механизатор ишлаб турибди. Лекин кадрларимиз ҳали етарли эмас. Кўп машиналар фақат бир сменада ишлатилмоқда. Биз қудратли, кенг қаторларда ишлайдиган машиналарни олишимиз билан, уларни икки-уч сменада ишлатиш тадбирларини ҳам кўрамиз.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, машиналарни икки-уч сменада ишлатиш учун механизаторлар сафини ҳам икки баравар кўпайтиришимиз керак. Янги беш йилликда биз ёшларни ҳунар-техника мактабларида, махсус курсларда ўқитамиз, малакали механизаторларга шогирдликка қўямиз. Бизда бунақа механизаторлар бор. Мирзаали Тожибоев, Йўлдошали Йўлчиев, Фозилжон Собиров, Собиржон Турсунов ва бошқа механизаторлар тракторни ҳам, пахта териш машинасини ҳам, комбайнларни ҳам жуда яхши билишади. Улар ҳар бир ишни кўнгилдагидек бажариб, энг юқори кўрсатикчларга эришмоқдалар. Бу механизаторларнинг ҳар бири бир нечтадан механизатор тайёрлашган.

Қизларимиз ҳам механизаторлик касбини ўрганишмоқда. Анорхон Эргашева, Маърифат Сулаймонова, Замира Жўраева каби тракторчилар механизациялаштирилган пахтачилик бригадаларига бошчилик қилиб, йиғим-терим даврида ўзлари пахта териш машинасини бошқариб, кўплаб «оқ олтин» теришмоқда.

Колхоз правлениеси, партия комитети мутахассислар, бригадирлар, чорвачилик фермаларининг бошлиқлари билан бамаслаҳат хўжаликдаги резервларни, имкониятларни ҳисобга олиб чиқди, янги беш йилликнинг асосий кўрсаткичларини мўлжалладик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги беш йиллик планда деҳқончиликда фан ва тажрибага асосланган ҳолда алмашлаб экишни жорий этамиз. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштирамиз. Пахтачиликни, чорвачиликни, шоличиликни, боғдорчилик ва сабзавотчиликни юксалтириш учун машина-трактор паркидаги техникадан, ишчи кучларидан оқилона фойдаланамиз.

Колхоз янги беш йилликда суғориладиган майдонларни 1105 гектарга кенгайтиришни мўлжалламоқда. Бу, экин майдонларини ҳозиргига нисбатан 48 процент кўпайтириш имконини беради. Мўлжалларимиз катта. Колхозчиларимиз ҳозироқ бу вазифаларни бажаришга астойдил киришдилар. Колхозда Пунгон массивини ўзлаштириш бўйича механизациялаштирилган отряд тузилди.

Экин майдонларининг кенгайтирилиши колхозда 1975 йилнинг охирига бориб ҳар йили 6900 тонна пахта етиштириш имконини беради. Бу, бу йил етиштириладиган ялпи ҳосилдан 1128 тонна кўпдир. Ялпи ҳосилдорлик 21 процент ўсади. Алмашлаб экишни жорий этиш, кенг қаторларда, ғўза ўстириш ҳамда янги нав чигит экиш натижасида кўп йиллардан буён чигит экиб келинаётган майдонлардан ҳам камида 35 центнердан ҳосил олишга ҳаракат қиламиз.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми (1970 йил)нинг қарорлари бутун совет халқи каби бизнинг колхозимиз меҳнаткашларини ҳам руҳлантириб юборди. Колхозчиларимиз бу қарорларни ҳаракатимизга бош дастур, йўл-йўриқ деб қабул қилдилар. Шу кунларда уни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**А. ОДИЛОВ,**
**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин номли колхознинг раиси.**

Ўзбекистон ССР, Наманган областидаги Поп райони.







СУРАТЛАРДА: «Политотдел» колхозининг далалари ва фермаларида. Чапдан — колхознинг марказий участкасида беда ўрими пайти. Ўртада — сут-товар фермасида. Сигир соғувчи Дарья Тян ва Александра Константинова Тошкентга сут жўнатяпти. Улар ўзларига бириктилган ҳар бош сигирдан йилига 3.000 килограммдан сут соғиб оляпти.

ЎНГДА — колхоз маккажўхоридан муттасил юқори ҳосил етиштиряпти. Маккажўхоризорнинг июль ойининг ўрталаридаги манзараси. Марказий участкада сувчилардан Юсуф Мусаев ва Вера Чен маккажўхорига сув тараяпти.

М. Пенсон фотолари.

# „ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИНИНГ ФЕРМАЛАРИ

## «Политотдел» колхози мамлакатга йилига 6000 тонна пахта, 420 тонна гўшт, 1. 639 тонна сут етказиб беради ✻ Колхоз пахта-беда алмашлаб экишни жорий этмоқда ва шу асосда далалар ҳосилдорлиги ортишини таъминламоқда, фермаларда маҳсулот етиштиришни кенгайтирмоқда ✻ Чорвачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, маҳсулдорлик ортмоқда, моллар туёғи кўпаймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Ўрта Осиё республикаларидаги чорвачиликнинг аҳволи асосли равишда танқид қилинди. Суғориладиган деҳқончиликнинг имкониятлари ҳозир бизнинг зонамиздаги колхозлар ва совхозлар етиштираётганига нисбатан кўпроқ гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштириш имконини беради. Ана шу имкониятлар пахтакор хўжаликларнинг характерида, улар экаётган экинларнинг структурасида мавжуддир. Эндиликда пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилмасдан туриб пахта етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлаб бўлмайди. Бизнинг шароитимизда алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш деган сўз беда ва маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш, бу қимматли озуқабоп экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш деган маънони билдиради. «Суғориладиган ерларда бедапояларни кенгайтириш, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда,—... пахтакор республикаларда озуқа базасини мустаҳкамлаш ва шу тариқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради».

«Политотдел» колхози — пахтани ҳам, фермаларнинг маҳсулотларини ҳам кўплаб етиштирадиган хўжалик. Бу йил мамлакат хўжалик далаларидан 6.000 тонна пахта олади. Кейинги тўрт йил мобайнида йилига ўрта ҳисобда 4.209 центнер гўшт, 16.390 центнер сут, 404 минг дона тухум етиштирилди. Чорвачилик ҳозир қандай кўрсаткичлар билан характерланади? Колхознинг 4 та фермаси: қорамол, қўйчилик, паррандачилик ва йилқичилик фермаси бор. Қорамол фермасида 2.200 бош мол, шу жумладан 725 бош сигир бор. Отарларда 10 минг бош қўй, паррандачилик фермаларида тухум қиладиган 5 мингта товуқ бор. Йилқичилик фермасида 400 та от бор. Ўтган тўрт йил мобайнида ҳар бош сигирдан йилига ўрта ҳисобда 2.313 килограмм сут соғиб олинди. Бу йил сигирлардан сут соғиб олиш анча кўпайди. Дастлабки олти ой мобайнида ҳар бир сигирдан 1.408 килограмм сут соғиб олинди. 12 ойликкача бўлган бузоқлар бир кеча-кундузда 650-700 грамм семирмоқда. Бизда қорамоллар 2-3 ой мобайнида сўқимга боқилганида бир кеча-кундузда 1 килограмм 200 граммгача семирмоқда. Бузоқлар вазни 300-350 килограммга, қўйлар 40-45 килограммга етказиб гўштга топширилмоқда.

Бу йилга қадар чорвачилик жамоат кассасига фойда келтирмас эди. Жуда яхши бўлганида харажат билан даромад баббаравар келарди, баъзи йилларда эса фермалар зарар ҳам кўрарди. Бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири ўз озуқа базамизнинг маҳсулдор моллар сонига номувофиқлиги эди. Колхоз давлатдан омихта ем сотиб олишга мажбур бўларди.

Биз КПСС Марказий Комитети июль Пленуми талаблари асосида чорвачиликнинг аҳволини анализ қилиб, ана шу тармоқнинг ҳозирги даражаси йирик саноат марказлари — Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод аҳолисини янги маҳсулот билан таъминлаш соҳасидаги тобора ўсиб бораётган талабларни қондириш вазифасига мос келмаётганлигини кўрдик. «Политотдел» колхози билан Тошкентнинг ораси ярим соатлик йўл. Хўжаликнинг фермаларида соғиб олинган сут орадан икки соат ўтар-ўтмас бевосита истеъмолчига етказиб берилади. Бу жуда катта имкониятдан тўла-тўкис фойдаланиш керак.

Чорвачиликни янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини белгилаш вақтида, ўтган тўрт йилдаги ўртача йиллик кўрсаткичга нисбатан 1975 йилда гўшт етиштиришни тахминан 40 процент, сут етиштиришни салкам 60 процент кўпайтиришга қарор қилдик. Ялпи гўшт етиштириш йилига 4 200 центнердан 5.800 центнерга, сут 16.390 центнердан 26.000 центнерга етади. Чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига ҳам, чорва молларининг туёғини зарур миқдорда кўпайтириш ҳисобига ҳам маҳсулот етиштиришнинг ана шундай ўсиши таъминланади. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш йилига 2.313 килограммдан 3.500 килограммга етади. Соғин сигирлар — 750 бошга, қўйлар — 14 минг бошга, паррандалар — 10 минг бошга, йилқилар — 560 бошга етади.

Бу режалар ўзимиз етиштирадиган ем-хашакнинг муттасил кўпайишига асосланади. Ҳозир хўжаликда 660 гектар майдонга озуқабоп экин экилган. Бедапоянинг ҳар гектаридан олинаётган ўртача ҳосил 85 центнерга етиб қолди. Гектар бошига 700 центнер силосбоп маккажўхори, 68 центнер маккажўхори дони олинмоқда Суғориладиган далаларнинг унумдорлигини қониқарли, деб ҳисобламаймиз. Лекин ҳосилдорликни янада ошириш кўпдан-кўп куч-ғайрат сарфлашни, қўшимча тадбирларни амалга оширишни, даставвал алмашлаб экишни тўла жорий қилишни талаб этишини тушунамиз.

Ҳозир бутун суғориладиган майдоннинг 16 процентига беда, маккажўхори ва илдизмева экинлар экилмоқда. Алмашлаб экишчи жорий қилиш озуқабоп экин майдонларининг салмоғини 22 процентгача етказиш имконини беради. Бу эса бедапоя, маккажўхоризор ва илдизмева учун 906 гектар суғориладиган ер ажратилади, деган маънони билдиради. Озуқабоп экин майдонлари асосан экинларнинг структурасини ўзгартириш натижасида кенгаяди. Ноқулай ерларни ўзлаштириш йўли билан ҳам озуқабоп экин майдонлари бирмунча кўпайтирилади.

Алмашлаб экишни жорий қилиш. бошқа агротехника тадбирлари гектар бошига пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга, каноп пояси ҳосилини 180 центнерга етказиш имконини беради. Шундай ҳосил кўтариш йўли билангина хўжаликка пахта ва каноп ялпи ҳосилини ўстириш юзасидан берилган топшириқни бажариш билан бирга озуқабоп экин майдонини кенгайтириш мумкин бўлади.

Колхоз бултур ўз далаларида 4.733 тонна озуқа бирлиги, шу жумладан суғориладиган далалардан 3.301 тонна озуқа бирлиги етиштириб олди. Хўжалик 1975 йилдаёқ 6.870 тонна озуқа бирлиги, шундан суғориладиган ерларда 5.438 тонна озуқа бирлиги етиштиради. Ўша вақтга бориб, озуқага бўлган умумий эҳтиёж 10 минг тонна озуқа бирлигига етади. Етишмайдиган уч минг тоннадан зиёдроқ озуқа бирлиги ҳам колхоз далаларида етиштирилади. Буни биз чигит кунжараси ва палми ғаллакорликдан оламиз.

Биз бедапоя, маккажўхоризор, илдизмева экиладиган майдонларни кенгайтиришнигина мўлжаллаб қолмай, ана шу экинларнинг ҳосилдорлигини анча оширишни ҳам мўлжаллаяпмиз. Ҳозир ҳар гектар бедапоядан ўрта ҳисобда 85 центнерга яқин пичан ўриб олинмоқда. Келгуси йилларда гектар бошига 120-130 центнерга қадар беда ҳосили оламиз. Агротехникани яхшилаш, пичан ўриш муддатларини қисқартириш, бу жараённи анча кенгроқ механизациялаш мавсумда бедани ҳозирги уч-тўрт марта ўриш ўрнига беш марта ўриб олиш имконини беради.

Беда — деҳқонларга маълум бўлган энг яхши экинлардан бири. Беда — ғўзадан олдин экиладиган бебаҳо экин. У экилган тупроқда кўпдан кўп азот ҳосил бўлади Беда ернинг унумдорлигини тез оширишга, тупроқ таркибининг тўғри шаклланишига ёрдам беради. Бедапоялар далаларни ғўзанинг энг зарарли душмани вилтдан тозалаб беради. Колхоз янги беш йилликнинг охирига бориб, йилига чигит экиш учун бедапоялардан бўшаган уч юз гектар ерни ажратиб беришга қодир бўлади. Ана шу соғлом ва бўлиқ ерда гектар бошига пахта ҳосилдорлиги 5-6 центнер оширилади.

Шундай қилиб, беда бир йўла икки вазифани ўтайди, шу сабабли ҳам у ғоят зўр диққат-эътиборга сазовордир. Шуни айтиш керакки, ҳозироқ айрим бригадаларимиз ана шу экиндан мўл ҳосил олишмоқда. Масалан, Қўлдош Эргашев ва Гимнен Ким бошлиқ бригадаларда бу йил дастлабки икки ўримдаёқ гектаридан 70 центнер пичан олинди. Худди ана шу бригадалар пахтадан ҳам юқори ҳосил олаётганлиги тасодифий ҳол эмас.

Озуқа базасининг мустаҳкамланиши экин майдонларининг кенгайтирилишига ва озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини оширишгагина боғлиқ эмас. Айни пайтда ана шу экинлар ҳосилини йиғиштириб олишни яхшилаш, жадаллаштириш керак. Ана шу экинларни, мисол учун бедани йиғиштириб олишни қандай қилиб тўла-тўкис механизациялаштириш мумкин? Озуқа моддаларининг кўпчилик қисми беданинг баргида бўлади. Лекин беда қуриб қолиши билан барги тўкилиб кетади, чала қуритилган бедани эса асраш қийин бўлади. Тўғри, бедани йиғиштириб оладиган машиналар бор, бу машинанинг асбоблари қаторида плюшчилка ҳам бор. Лекин ҳозирча бу машиналар жуда кам чиқарилмоқда. Бошқа озуқабоп экинларни парвариш қилиш ва йиғиштириб олиш учун кор келадиган техника ҳам, хўжаликларнинг бевосита ўзида омухта ем етиштиришни комплекс механизациялаш учун кор келадиган техника ҳам етишмайди. Ўйлаймизки, тез орада бундай ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, омухта ем етиштириш учун зарур нарсалар билан хўжаликларни таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинади.

Чорвачиликка оқсилли озуқа керак. Ҳукумат ўз вақтида пахта хом ашёси қайта ишлангандан кейин олинадиган кунжара ва шелухалар билан пахтакор хўжаликларни таъминлаш тартибини ўрнатган эди. Бу қарорни ҳеч ким бекор қилмаган бўлса ҳам, лекин кейинги йилларда қарор ҳамма жойда ҳам тўла бажарилаётир, деб бўлмайди. Бу қарорни тўла-тўкис кучга киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Бизнинг чорвачилик соҳасидаги режаларимиз ишлаб чиқариш биноларини қуришни кенгайтириш, фермаларни механизациялаштириш билан ҳам боғлиқ. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларнинг харид нархлари оширилишидан келадиган маблағларнинг ҳаммаси ана шу мақсадларга сарфланади. Маҳсулот сотишнинг мўлжалланган даражада ўсишини ҳисобга олганда хўжаликнинг гўшт, сут, жун, пилла харид нархларининг ортишидан кўрадиган қўшимча даромади бир миллион сўмдан ортиб кетади. Бу маблағ колхозга янги фермаларни қуриш ва тўла механизациялаш программасини бажариш учун тўла кифоя қилади.

Партия ва ҳукуматнинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарорини колхозчилар ғоят маъқуллаб кутиб олдилар. Бу қарор шу йилнинг ўзидаёқ чорвачилик тармоқларининг рентабеллиги ўсишини таъминлайди, биз кейинги йилларда колхоз фермаларидан тобора кўпроқ фойда олишни мўлжалламоқдамиз. Аммо бунинг учун биз астойдил меҳнат қилишимиз ҳам керак. Даставвал чорвачиликнинг моддий техника ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотларининг таннархини камайтириш зарур.

Шу йилданоқ гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтира бошлаймиз. Колхоз шу ёзда ҳар қачонгидан кўпроқ табиий пичан тайёрлаб қўйди. Бедани ғарамлаш ва силос бостириш графикдан олдинда бормоқда.

Барче турдаги моллардан насл олиш яхши бормоқда. Биз шу тариқа ёш молларни тўла сақлаб қолдик. Бу — моллар туёғини кўпайтиришнинг гаровидир.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан, партиямизнинг навбатдаги XXIV съезди чақирилиши тўғрисидаги қарордан барча совет кишилари сингари «Политотдел» колхозининг меҳнатчилари ҳам руҳланиб кетдилар. Улар бу йилги топшириқларни муддатидан илгари бажариш ва бундан кейинги катта ишларни амалга ошириш учун муваффақиятли тайёргарлик кўриш мақсадида қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар.

**М. ХВАН,**
**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Политотдел» колхозининг раиси.**

Ўзбекистон ССР Юқори Чирчиқ райони.

## ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ЯНГИБОЗОР. ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ меҳнаткашлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Райондаги колхоз ва совхозларда ем-хашак тайёрлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Ишни пухта ташкил қилган хўжаликларда дағал хашак тайёрлаш плани ўтган йилдагига нисбатан анча уюшқоқлик билан бажарилмоқда.

• • •

«ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗИ чорвадорлари ишчи кучлари ва техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, 2050 ўрнига 2062 тонна дағал хашак тайёрлаб, бу соҳадаги йиллик планини 105 процент қилиб бажардилар.

• • •

«ГУЛИСТОН» КОЛХОЗИда пландан ташқари хашак тўплаш ва ғарамлаш давом этмоқда. Бу ерда бир ярим йилга етадиган миқдорда хашак жамғаришга аҳд қилинди. «Ленинобод» «Коммуна» ва бошқа колхозларда ҳам пландан ташқари қўшимча ем-хашак тўплаш қизғин.

